

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ
Барча овоз берувчи оддий
акциялари Ягона акциядорининг
2024 йил 10 сентябрдаги
6 - сонли қарори билан

**“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI
УСТАВИ
(янги таҳрир)**

Тошкент шаҳри – 2024 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қофозлар бозори тўғрисида”ги, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонунлари ва амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сонли «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган.

1.3. Жамиятнинг фирма номи:

1.3.1. Ўзбек тилида (лотин алифбосида):

тўлиқ номи “Hududiy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati;

қисқартирилган номи: “Hududiy elektr tarmoqlari” AJ.

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида):

тўлиқ номи “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти;

қисқартирилган номи: “Худудий электр тармоқлари” АЖ.

1.3.2. Рус тилида:

Акционерное общество «Региональные электрические сети».

қисқартирилган номи: АО «Региональные электрические сети»

1.3.3. Инглиз тилида:

тўлиқ номи: Joint Stock Company « Regional electrical power networks».

қисқартирилган номи: JSC «Regional electrical power networks».

1.4. Жамиятнинг поча манзили ва жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё қўчаси, 8 уй.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@het.uz

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.het.uz

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сонли «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарорига асосан “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга ошириш бўйича ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартағи 126-сонли қарорига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” AJга қўшиб олинган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг (“Toshkent shahar elektr tarmoqlari korhonasi” AJ, “Toshkent НЕТК” AJ, “QQ НЕТК” AJ, “XORAZM НЕТ” AJ, “Navoiy НЕТК” AJ, “Samarqand НЕТК” AJ, “Jizzax НЕТК” AJ, “Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari” AJ, “Surhondaryo hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ, “SIRDARYO НЕТК” AJ, “Andijon НЕТК” AJ ва “Namangan НЕТК” AJ) барча мол-мулклари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.8. Жамият бошқа давлатларда, халқаро институтлар ва ташкилотларда электр энергетикаси масалалари борасида қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорлик қиласи.

1.9. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишларига, умум мажбурий тусдаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қиласи.

1.10. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.11. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.12. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк хисобвараглари очишига ҳақлидир.

1.13. Жамият, ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.14. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.15. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлик заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар киймати доирасида коплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.16. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

II. ЖАМИЯТНИНГ ВАКОЛАТИ, ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Жамият электр энергетикаси соҳасидаги маҳсус ваколатли хўжалик субъектидир.

2.2. Жамиятнинг фаолиятининг мақсадлари:

- тақсимловчи электр тармоқлари тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини ҳамда истеъмолчиларга электр энергиясини барқарор етказиб берилишини таъминлаш эҳтиёжлари қаноатлантирилишини таъминлаш;
- тақсимловчи электр тармоқлари тизимини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- электр энергиясини истеъмолчиларга тақсимлаш, тарқатиш ва уларга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича сотиш хисобига фойда (даромад) олиш;
- ўзининг ҳудудий филиалларига (электр таъминоти корхоналари) истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномалари тузиш хуқуқини амалга ошириш учун белгиланган тартибда бош ишончнома бериш;
- истеъмолчиларга электр таъминоти шартномаси асосида электр энергиясини етказиб бериш ва сотишни амалга ошириш;
- электр энергияни яқуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий филиаллар (ҳудудий электр тармоқлари корхоналари) фаолиятини бошқариш;
- тақсимловчи электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш;
- тақсимловчи электр тармоқларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш;
- электр энергетикаси соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;
- истеъмолчиларнинг электр энергетикаси обьектларидан фойдаланишини ташкил этиши устидан техник ва технологик назоратни амалга ошириш;
- хисобидаги электр тармоқлари обьектларида электр энергияси ва ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;
- хисобидаги тақсимловчи электр тармоқлари обьектларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир ишларни мувофиқлаштириш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мақсадларни ва ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

2.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

- республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш;
 - электр энергиясини шартнома асосида ягона сотувчидан сотиб олиш ва якуний истеъмолчиларга сотиш;
 - электр энергияси учун тўловларнинг ўз вактида ва тўлиқ ўндирилишини таъминлаш;
 - электр энергияси сотуви ва истеъмолини хисобга олиш;
 - электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;
 - истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизликни таъминлаш;
 - ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг давлат стандартларида белгиланган сифат кўрсаткичларини сақлаб туриш;
 - техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўз электр тармоғи хўжалиги атр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик йўқотишларни камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;
 - электр энергиясини истеъмол қилувчи электр курилмаларини белгиланган тартибда электр тармоқларига улаш учун истеъмолчиларга белгиланган тартибда техник шартлар бериш;
 - тақсимловчи ва паст кучланишдаги электр тармоқларини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиши;
 - электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда қатнашиш;
 - тақсимловчи электр тармоқларини замонавий асбоб-усқуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техник қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
 - тақсимловчи ва паст кучланишдаги электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишида технологик йўқотишларни (исрофларини) камайтириш чора-тадбирларини амалга оширилишини ташкил этиш;
 - тақсимловчи электр тармоқлари объектларида ишлаш ва хизмат кўрсатиш учун кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиши;
 - хорижий корхона ва жамиятлар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестицион ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш;
 - республика ва дунё бозори конъюктурасини ўрганиш негизида тақсимловчи электр тармоқлари объектларини модернизациясига ва кенгайтирилишига инвестицияларни жалб этиш;
 - Жамият фаолиятида ва тизимдаги корхоналарда янги технологияларни ва менежментнинг илғор усууларини жорий этиш;
 - бошқарув тизимида ва энергияни узатиши ва сотиши бўйича хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиши;
 - тақсимловчи электр тармоқлари қувватларнинг ўзаро боғланган ва мувозанатлаштирилган тарзда Жамиятнинг ривожланиши дастурларини ишлаб чиқиши;
 - Жамиятга тегишли бўлган мулкни ва акцияларнинг давлат пакетларини самарали бошқаришни таъминлаш.
- 2.4. Кўйилган вазифаларни бажариш учун Жамият қуидаги функцияларни амалга оширилишини таъминлайди:
- унга берилган ҳуқуқлар доирасида масалаларни комплекс ҳал қиласида ва тасарруфидаги филиаллар ва корхоналар ишини бошқаради;
 - тақсимловчи электр тармоқларини ривожлантириш концепциясини ва миллий дастурларини ишлаб чиқишида қатнашади;

- филиалларнинг тақсимловчи электр тармоқлари объектларида эксплуатация фаолиятини, қурилиш-монтаж ишларини, лойиха ишлари ва тадқиқотларни мувофиқлаштиради;
 - филиалларнинг тақсимловчи электр тармоқлари объектларини қайта техник жиҳозлаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ускуналарни замонавийлаштириш йўли билан асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилайди;
 - қонунчиликда белгиланган тартибда акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни алмаштириш, сотиб олиш ва сотиш бўйича битимларни амалга оширади;
 - акцияларнинг давлат улушкига эга бўлган акциядорлик жамиятларида акцияларнинг давлат пакетларини бошқаришда давлат органларининг ишончли шахси сифатида чиқади;
 - ишлаб чиқариш, тижорат ва илмий-техник фаолиятига маблағларни инвестициялайди;
 - бозор конъюктурасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, маркетинг ва консалтинг фаолиятини амалга оширади;
 - Жамият ижтимоий ривожланиши, меҳнат жамоасининг ижтимоий қўллаб кувватлаш ва ҳимояси бўйича стратегия ва тактикасини шакллантиради;
 - Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хизмат харажатларини камайтиради, молия-хўжалик фаолияти рентабеллигини оширади;
 - электр энергиясини узатиш (етказиб бериш) ва сотишда замонавий ўзаро ҳисобкитоб тизимларини жорий этади;
 - янги ишлаб чиқариш, товар, инжиниринг, молия-кредит ташкилий тузилмаларини ва уларнинг бирикмаларини шакллантиради;
 - фаолиятини самарали ташкил этиш учун кадрларини қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қиласди;
 - тақсимловчи ва паст кучланишли электр тармоқлари тизими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва корхоналарда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этади;
 - Жамиятнинг филиаллари, шўъба ва тобе корхоналарини барпо этади;
 - ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади;
 - янги халқаро иқтисодий алоқаларни ташкил қиласди.
- 2.4.1. Жамиятнинг худудий филиаллари қўйидаги вазифалар ва функцияларни амалга оширади:**
- худудий филиал ўз худуди (шу жумладан ўзининг вилоятидаги туман ва шаҳар) миқёсидаги истеъмолчиларга бош ишончнома асосида электр энергиясини сотиш ва узатишни амалга оширувчи бўлинма ҳисобланади;
 - истеъмолчиларнинг белгиланган тартибда киритган таклифларига мувофиқ равища электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий ҳажмини шакллантиради;
 - электр энергияси учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлайди;
 - электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлайди, бартараф этади ва олдини олади;
 - истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда хавфсизликни таъминлайди;
 - техник ишлатиш қоидаларига мувофиқ равища ўзининг электр тармоқлари хўжаликлари объектларида электр ускуналарини ишлатиш ва таъмирлашни ташкиллаштиради;
 - ўзининг энергия хўжалик объектларида технологик йўқотишни қисқартириш бўйича ташкилий техник тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;
 - худудий филиаллар қонунчиликка мувофиқ равища бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириш мумкин.

2.5. Кўрсатиб ўтилганлар билан бир қаторда Жамият қуидагиларни ҳам амалга ошириши мумкин:

- юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг, ахборот, лизинг ва маркетинг хизматларини кўрсатиш;
- франчайзинг фаолиятини амалга ошириш;
- савдо кўргазмалари ва ярмаркаларида қатнашади ва уларни уюштириш;
- «ноу-хау» патентларини ва рационализаторлик таклифларини сотиб олиш ва сотишни амалга ошириш.

2.6. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидан фаолият турлари билан Жамият шундай лицензия олганидан кейин шуғулланиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ, УНИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятг Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 8 464 424 484 600 (саккиз триллион тўрт юз олтмиш тўрт миллиард тўрт юз йигирма тўрт миллион тўрт юз саксон тўрт минг олти юз) сўмни ташкил қиласиди ва хар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 84 618 347 341 дона оддий хужжатсиз ҳамда 25 897 505 дона имтиёзли хужжатсиз акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

3.2. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.3. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилаши мумкин.

3.4. Жамият устав фондини ошириши мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равища чиқариши мумкин бўлган, эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган 51 194 389 313 дона оддий акциялардан ва номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган 44 102 495 дона имтиёзли акциялардан иборат.

3.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланганади.

3.7. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича барча акциядорлар ўртасида амалга оширилади. Бунда хар бир акциядорга кайси турдаги акциялар тегишли булса, айни уша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равища тақсимланади.

3.8. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.9. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обўна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун хужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

3.10. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларида мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равища тенг шартларда, имтиёзли олиш хукукига эга.

3.11. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулқ, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуқлар (шу жумладан мулкий хукуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорида белгилаб қўйилади.

3.12. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш

3.9. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.10. Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади;

3.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Жамият акциядорлар умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларни кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

4.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

4.3. Жамият мол-мулқ билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

4.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

4.5. Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

V. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ (ЗАРАРИНИ) ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНД ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойда, шунингдек ўтган даврлардаги тақсимланмаган соф фойда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тақсимланади.

5.2. Жамият заарини қоплаш акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида захира фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5.3. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ҳақли.

5.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.6. Ақциялар бүйича дивидендлар тұлаш, дивиденднинг миқдори, уни тұлаш шакли ва тартиби тұғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хуносаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамият кузатув кенгаши тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар тұлаш тұғрисидаги қарорда дивидендлар тұлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.7. Дивидендлар тұлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тұлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.8. Жамият:

- жамият устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тұлық тұлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тұланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тұлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди сўммасидан кам бўлса, акциялар бүйича дивидендлар тұлаш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тұлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тұлаши шарт.

5.9. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тұланадиган дивидендлар миқдори тұғрисидаги маълумотларни Корпоратив ахборот ягона порталида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

5.10. Дивидендларни тұлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бүйича, сўнгра оддий акциялар бүйича дивидендлар тұланади. Имтиёзли акциялар бүйича қатъий белгиланган дивидендларни тұлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тұлашни рад этишга ҳақли эмас.

5.11. Жамият имтиёзли акцияларга улар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида дивидендлар тұланади. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишләётган тақдирда, имтиёзли акциялар бүйича дивидендлар жамият томонидан Жамиятнинг шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тұланиши мумкин.

5.12. Жамият тугатилаётганды имтиёзли акциялар бүйича туланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизини ташкил қиласи.

5.13. Ўзбекистан Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида»ги қонуниининг 37 моддасида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акцияларни Жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизига тенг нарх бүйича амалга оширилади.

5.14. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичиди талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

6.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

- Жамият устав капиталининг 15 (үн беш) фоизи миқдорида захира фонди;
- Жамият кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузишга ҳақли.

6.2. Жамият захира фондига ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар ичили соф фойдадан 5 фоиз миқдоридан кам бўлмаган ажратмалар ўтказади.

6.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивиденdlар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб өлиш учун мўлжалланади.

6.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

VII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

7.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуидагилардан иборат:

- акциядорларнинг умумий йигилиши;
- кузатув кенгаши;
- ижроия органи - бошқарув.

Акциядорлар умумий йигилиши

7.2. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Агар Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди. Мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилга масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Жамиятнинг имтиёзли акциялари қонун хужжатларига мувофиқ овоз бериш хуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно.

7.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

7.4. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгashi аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамият устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш ўйли билан кўпайтириш ва жамият устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгаришиларни жамият уставига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини қайта сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини Жамият Кузатув кенгashi томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш;
- Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;
- Корпоратив бошқарув кодекси ва Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- Жамият ижроия органини тузиш, Бошқарув раиси ва аъзоларини лавозимга сайлаш;
 - жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини Жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг белгилаш;
 - мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва чегарасини белгилаш;
 - ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
 - Жамиятнинг йиллик ҳисботини тасдиқлаш;
 - Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
 - ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби бўйича Низомни тасдиқлаш;
 - электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
 - акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маъruzalari (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
 - Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини эшлиши;
 - акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
 - акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
 - қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
 - қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 7.5. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг тавсияси ёки кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим бўлса, бундай қарорлар Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан шундай тавсиялар олингандан сўнг ёки дастлабки тарзда маъқулланганидан сўнг қабул қилинади.
- 7.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан, ҳар йили молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктиrmай, Жамият кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида, бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.
- 7.7 Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун хужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

7.9. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

7.10. Акциядор вакили томонидан акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши ва қун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартиби акциядорнинг ўзи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Жамият кузатув кенгаши

7.11. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.12. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўқиз) кишидан иборат бўлиб, шундан 3 тасигача мустақил аъзо сифатида сайланиши мумкин.

7.13. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш ва ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва йиғилишда иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамият томонидан мулкни бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини белгилашни ҳамда жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни келишиш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқаришларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Бошқарув раиси ва аъзоларини ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ва ушбу лавозимларга вақтинча вазифасини бажарувчиларни тайинлаш;
- Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- қонунчиликда наъзарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кенгашнинг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиш учун олиб чиқилиши мумкин);

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари, шўйба ва тобе корхоналарини ташкил этиши ва тугатиш;
- Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ички аудит хизматининг хуносаларини эшлиши;
- Жамиятнинг ижроия органи аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш юзасидан, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг энг юқори миқдорини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг тегишли қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш юзасидан тавсиялар бериш;
- чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳолангандан Жамият ижроия органи аъзоларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатиш ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини кўллаш масаласи кўриб чиқиш;
- йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳолангандан Жамият ижроия органи аъзоларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимиға лойиқлиги масаласи кўриб чиқиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини ҳисобот (жорий) йилнинг 1 декабригача тасдиқлаш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.14. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

7.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлислиари Жамият кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгashi аъзосининг, бошқарув раиси ва ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади.

Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари (агар мавжуд бўлса) кузатув кенгashi мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳамда жамият кузатув кенгashiга бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

7.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгashi сайланган аъзоларининг камидаги 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.17. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, мазкур уставнинг 7.18.-бандида кўрсатилган масалалар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Жамият кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

7.18. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият кузатув кенгashi томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- йирик битим ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар;

- Жамият кузатув кенгashi томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарорлар қабул қилинганда.

7.19. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

7.20. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳукуқига эга.

7.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирилмай тузилади.

7.22. Кузатув кенгаши мажлиси баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

7.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

7.25. Агар, Жамият кузатув кенгашининг қарорлари қонунчиликка ёки Жамият уставига зид бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7.26. Жамият кузатув кенгашининг фаолият олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, ушбу Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

7.27. Жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Жамиятнинг ижроия органи – Бошқарув

7.28. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

7.29. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Бошқарув аъзолари бўла олмайдилар.

7.30. Жамият Бошқаруви б аъзодан, шу жумладан раис ва унинг 5 ўринбосаридан иборат бўлиб, улар лавозимларига Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорлари билан сайланадилар. Жамият Бошқаруви аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Жамият Бошқаруви аъзоларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари тегишинча уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Бунда Бошқарув раиси лавозимига тайинланган шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Жамиятнинг ижроия органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

7.31. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари электр энергетика соҳасида, шу жумладан электр тармоқлари тизимини бошқариш соҳасида малака ва кўнимкаларига эга бўлиши лозим.

7.32. Бошқарув ишига раҳбарликни Бошқарув раиси амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида жамият номидан ишончномасиз иш кўришга ҳақлидир.

7.33. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида ишончнома асосида жамият номидан иш кўришга ҳақлидирлар.

7.34. Жамият Бошқарувининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

- Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатига киравчи масалалардан ташқари, жамият фаолиятига доир барча масалаларни ҳал қилиш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлик битим ёки ўзаро боғланган бир

нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётганда жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигачасини ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- шуъба корхоналарнинг (филиалларнинг) ташкилий тузилмасини ва ходимларининг меъёрий сонини тасдиқлаш;

- жамият ходимларининг меҳнати учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, меҳнатга ҳақи тўлаш бўйича тегишли қонунчилик ва меъёрий хужжатлар, жамоа шартномаси (битими) ва жамиятда амал қилувчи бошқа хужжатларга ҳамда ходим ва иш берувчи орасида тузилган шартномага мувофиқ, соҳа тариф сеткаси асосида белгилаш.

7.35. Жамият Бошқаруви раиси ваколатларига қўйидагилар киради:

- жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш;

- мазкур Устав ва жамиятнинг Ижроия органи тўғрисидаги низомига асосан унга берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёни учун зарур битимларни тузиш;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини риоя қилинишини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишланини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун хужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги хужжатлар бутлигини таъминлаш;

- амалдаги қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш;

- амалдаги қонун хужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

7.36. Бошқарув камида бир чоракда бир марта йигилади. Бошқарув мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида 60 (олтмиш) фоизи қатнашганда, Бошқарув мажлиси

ваколатли ҳисобланади. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, у Бошқарув раиси томонидан, раис узурли сабабларга кўра иштирок этмаган тақдирда мажлисга раислик қилган шахс томонидан имзоланади.

7.37. Бошқарув ўз аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қиласди. Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

7.38. Бошқарув ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик ва ушбу устав, шунингдек Жамият кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган барча талабларга риоя қилиши шарт.

7.39. Бошқарув раиси ва аъзоларини лавозимларидан озод қилиш Жамият кузатув кенгаши қарори ва (ёки) акциядорларнинг умумий йигилиши қарорлари билан амалга оширилади. Шунингдек:

чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланганди Жамият ижроия органи аъзоларига рафбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатиш ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласи Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади;

йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланганди Жамият ижроия органи аъзоларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кўриб чиқилади.

7.40. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.41. Агар Жамият кузатув кенгашининг ёки бошқарувининг бир неча аъзолари жавобгар деб топилса, улар жамият олдида солидар жавобгар бўлади.

7.42. Жамиятга заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши ёки бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.43. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.44. Суд Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқаруви аъзосини Жамиятга мулкий заарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, бошқарув раиси ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тутатилиши мумкин.

7.45. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузишни (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган заарар учун белгиланган тартибда амалдаги қонунчиликка асосан жавобгарликка тортилиши мумкин.

VIII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ички аудит хизмати

8.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамиятда Ички аудит хизмати ташкил этилади.

8.2. Жамият ички аудит хизмати жамият Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

8.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга

риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласди ҳамда баҳолайди.

Шунингдек, Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

8.4. Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарув органига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

8.5. Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

- ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чорақда ва ҳисбот йили якунлари бўйича);

- тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисботни тузишида корхонанинг таркибий бўлинмаларида методик ёрдам бериш, уларга молия, солик, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

- техник топшириқларни ишлаб чиқишида, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташки аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда жамиятнинг кузатувчи кузатув кенгашига кўмаклашиш.

8.6. Жамиятнинг ички аудит хизмати:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;
- хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;
- активларнинг ҳолатини;
- ички назоратнинг ҳолатини текширади ва уларнинг мониторингини олиб боради.

8.7. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

Аудиторлик ташкилоти

8.8. Акциядорларнинг умумий йигилиши карорига асосан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун танлов асосида аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

8.9. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва аудиторлик хulosасини тақдим этади.

8.10. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри хуносаси оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Жамият Бошқаруви ўз ваколатлари доирасида мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш, қўшимчаларни ёки Жамиятнинг янги таҳирдаги уставини Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказади.


9.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

9.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

9.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

9.5. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиши имконияти бўлмаган такдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

9.6. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.






Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STR)
306 350 099

Nomi
HUDUDIY ELEKTR TARMOOLARI

Tashdiily-huquqiy shaxsi
Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, OSIYO KO'CHASI
8-UY.

Faoliyat turi

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STR)
306 350 099

Nomi
HUDUDIY ELEKTR TARMOOLARI

Tashdiily-huquqiy shaxsi
Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, OSIYO KO'CHASI
8-UY.

Faoliyat turi

1



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 84680914487

Aksiya bahosi: 100 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Imtiyozli

Aksiyalar soni: 25897505

Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

8 470 671 199 200 so'm

11.10.2024 2606586

Guvohnoma olinagan sana Arza raqami

3162172



11.10.2024

2606586

Guvohnoma olinagan sana Arza raqami

3162172



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot
Imtiyozli

Aksiyalar soni: 25897505 Aksiya bahosi: 100 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 84618347341 Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

8 464 424 484 600 so'm

11.10.2024 2606586

Guvohnoma olinagan sana Arza raqami

3162172



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

306 350 099

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

19.04.2019

2011714

Sana

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyatni amalga oshirish joyining manzili:

TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, OSIYO KO'CHASI 8-UY.

Tomonidan berilgan:

YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

3162173

